

## Касбим келажагим

Касб - кишининг меҳнат фаолияти, доимий машғулоти тури; муайян иш турини малакали бажаришга имкон берадиган билим, маҳорат, тажрибани талаб этади. Буюк ёзувчилардан бири шундай деган эди: “Ҳаётда Сиз учун энг севимли бўлган касбни танлаб ва Сиз бир умр ишга бормасиз”. Агар киши ўз севган касбида ишлаётган бўлса у ҳеч қачон ҳар эрталаб ўзини ишга кетаяпман, деб ҳисобламайди. Ўз севган касби билан шуғулланиш кишига завқ, хурсандчилик, шижоат, рағбат ҳамда маънавий озуқа беради. Ўзи ёқтирган ишни қилаётган киши вақт қанчалар тез ўтиб кетганлигини сезмай қолади, у ҳеч қачон бажараётган ишидан чарчамайди. Сиз ҳозирги ёшингизда келажакда шуғулланишингиз учун касб танлаётган бўлсангиз, фақатгина бу касбдан Сизга келадиган моддий даромадни эмас, балки ундан олишингиз керак бўлган маънавий озуқани ҳам ҳисобга олинг.



Сиз касбингизда жон сақлашингиз эмас, балки яшашингиз керак. Шундагина қилаётган ишингиз Сизнинг ҳақиқий севимли касбингиз ҳисобланади! “Умумтехник фанлар” кафедраси ассистенти Б.Жўраева 2021 йил 21 июн куни “Қарши муҳандислик иқтисодиёт академик лицейи” га ташриф этиб, касб танлаш ва Олий таълим муассасаларига киришлари учун касбга йўналтириш ишлари бўйича суҳбат ташкил этди.



Б.Жўраева ўқувчи-ёшларга ТИҚХММИ Қарши филиалини ташкил этилиши, ҳозирги кунда фаолият юритаётган факултет, кафедралар, мавжуд йўналишлар, мутахассислар, талабалар ҳаёти, талабалар учун яратилган шарт-шароитлар, ўқув хоналаридаги шароитлар, қулайликлар, кредит-модул тизими, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этилиши, ўқув машғулотлари, тўғаракларнинг ташкил этилиш жараёнлари ҳақида батафсил маълумотлар берди.

**“Умумтехник фанлар” кафедраси ассистенти Б.Жўраева ахбороти**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**